

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 197 (197), 2020 йил 15 октябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЭКСПОРТ РЕЖАЛАРИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар лойиҳалар ижросини танқидий қуриб чиқиш, янги ўсиш нуқталарини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Хитой ва Жанубий Корея Ўзбекистоннинг стратегик шерикларидир. Икки давлат билан ҳам олий даражадаги ташрифлар доирасида кенг қўламли келишувларга эришилган, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, гуманитар ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни қамраб олган "йўл харитаси" қабул қилинган.

Бу йил айрим соҳаларда экспорт кўрсаткичлари пасайган. Жумладан, Хитойга ўтган саккиз ойда тўқимачилик соҳасида 42,3 фоизга, кимё ва нефть-кимё sanoatida 33,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беришда 18,1 фоизга камайган.

Шу даврда Жанубий Кореяга экспорт бўйича Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида сусткашликка йўл қўйилган.

Иқтидорнинг тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари экспортнинг аҳамиятини ҳанузгача чуқур тушуниб етмаётгани, уларнинг бу борадаги иш услуби бугунги кун талабига мутлақо жавоб бераётгани кўрсатиб ўтилди.

Хитой ва Жанубий Корея билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги йўналишлар топиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугун замон ўзгаряпти, талаб ўзгаряпти. Ҳамма тармоқлар таҳлил қилинмоқда. Уларни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилинмоқда. Натижа ҳам шунга мос бўлиши керак. Иқтисодий барқарорликнинг кафолати — экспорт ва инвестиция кўрсаткичларини ошириш, — дея таъкидлади Президент.

Давлатимиз раҳбари 6 октябрь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали суҳбатлашди. Мулоқотда қўшма дастур ва лойиҳаларни тезлаштириш ҳамда уларни амалга оширишда кўмаклашиш, керак бўлса, имтиёзли кредитларни ошириш юзасидан келишиб олинди. Йил охирига қадар давлат раҳбарлари иштирокида онлайн саммит ўтказилиши белгиланди.

Хитойнинг очиқ иқтисодий сиёсати ва мамлакатимизнинг қўлай географик жойлашувидан самарали фойдаланиш, Жанубий Корея бозорига юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни авиатранспорт орқали ташиш мумкинлиги қайд этилди.

Хитой ва Корея Республикаси мамлакатимизнинг ийрик инвесторлари ҳам ҳисобланади. Хусусан, охириги уч йилда Хитойдан 3,9 миллиард, Жанубий Кореядан 850 миллион доллар сармоялар ўзлаштирилган.

Шу йилнинг 8 оми давомида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 4 миллиард долларга, Жанубий Корея билан 1,4 миллиард долларга етди.

Хитойнинг очиқ иқтисодий сиёсати ва мамлакатимизнинг қўлай географик жойлашувидан самарали фойдаланиш, Жанубий Корея бозорига юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни авиатранспорт орқали ташиш мумкинлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга барча қўшма лойиҳаларни танқидий қуриб чиққан ҳолда, уларни тезлаштириш ва белгиланган муддатларда сифатли амалга ошириш бўйича янги қўшимча "йўл хариталари" тайёрлаш ҳамда келгуси йил учун янги истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Иқтидорнинг тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари экспортнинг аҳамиятини ҳанузгача чуқур тушуниб етмаётгани, уларнинг бу борадаги иш услуби бугунги кун талабига мутлақо жавоб бераётгани кўрсатиб ўтилди.

Хитойнинг очиқ иқтисодий сиёсати ва мамлакатимизнинг қўлай географик жойлашувидан самарали фойдаланиш, Жанубий Корея бозорига юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни авиатранспорт орқали ташиш мумкинлиги қайд этилди.

Хитой ва Корея Республикаси мамлакатимизнинг ийрик инвесторлари ҳам ҳисобланади. Хусусан, охириги уч йилда Хитойдан 3,9 миллиард, Жанубий Кореядан 850 миллион доллар сармоялар ўзлаштирилган.

Иқтидорнинг тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари экспортнинг аҳамиятини ҳанузгача чуқур тушуниб етмаётгани, уларнинг бу борадаги иш услуби бугунги кун талабига мутлақо жавоб бераётгани кўрсатиб ўтилди.

Хитойнинг очиқ иқтисодий сиёсати ва мамлакатимизнинг қўлай географик жойлашувидан самарали фойдаланиш, Жанубий Корея бозорига юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни авиатранспорт орқали ташиш мумкинлиги қайд этилди.

Хитой ва Корея Республикаси мамлакатимизнинг ийрик инвесторлари ҳам ҳисобланади. Хусусан, охириги уч йилда Хитойдан 3,9 миллиард, Жанубий Кореядан 850 миллион доллар сармоялар ўзлаштирилган.

ЎЗА

Ўзбекистон ва жаҳон ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧИ, РАҒБАТИ ВА ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайлангани тимсолида яна бир бор намоён бўлди



— Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайлангани, авваломбор, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олий мақсад этиб белгиланган ва ўзи орзу қилгандек яшашга интиляётган, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилган ёруғ истақларига яраша янгидан-янгиси самараларга эришаётган янги Ўзбекистон халқи қўлга киритган яна бир оламшумул ютуқдир, — деди А.Саидов.

2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор мазкур халқаро тузилманинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга — 2021-2023 йилларга сайланди. Мамлакатимиз учун БМТга аъзо 191 давлатдан 169 таси овоз берди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан ушбу улкан ютуқнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва масъулияти ҳақида суҳбатлашдик.

майдонда мамлакат нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганининг ёруғ далолатидир.

Бу — миллат сардори раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мутлақо янгилашган ташқи сиёсатини амалга ошириш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан муносабатларни ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳида сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш маъсаларига алоҳида урғу берилаётгани халқаро ҳамжамият томонидан

юксак эътироф этилгани ҳамда қўлаб-қувватланаётганининг ўзига хос ифодаси ҳамдир.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, "Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланимоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар орта қайтмайдиган тус олди".

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши халқаро етакчиликни намоён этиш учун имкониятдир

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида 169 давлат овози билан уч йил муддатга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайлангани халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қарши олинди. Шу муносабат билан чет давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари "Дунё" ахборот агентлиги муҳбирига ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилди.



Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Россия ва Ўзбекистон 2021-2023 йилларга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланди. Бу БМТ тизимидаги ташкилотлар доирасида мамлакатлари-

мизнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ долзарб масалалар бўйича ўзаро ҳурмат асосидаги ва сиёсийлаштирилмаган мулоқотни ўрнатишга қўшган ҳиссаси кенг эътироф этилганидан далолатдир. Шундай қилиб, халқаро майдонда яқин ҳамкорликда ишлаш учун қўшимча имконият пайдо бўлди.

Давоми 2-бетда

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Бунёд НАСИМОВ, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлигининг маслаҳатчиси



Кейинги йилларда тилимизнинг нуфузи ва обрўси янада юксалди, ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида қарийб 50 миллион кишига етди. Шу боис, ўзбек тили халқаро минбарларда баралла янграмоқда, хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш кучаймоқда. Айниқса, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Туркия, Украина, Россия, Озарбайжон каби 10дан ортиқ давлатнинг нуфузли университетларида ўзбек тили шарҳ тиллари фанлари қаторида ўқитилаётгани қалбимизни фахру ғурурга тўлдиради.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



ҚАРОРГА МУВОФИҚ, РЕСПУБЛИКА ТУМАН (ШАҲАР) ЛАРИДА МАВЖУД УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ НЕГИЗИДА ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

ЖОРИЙ ЙИЛДА МАЗКУР Йўналишда 14 ТА ТАЯНЧ МАКТАБ, 2021-2023 ЙИЛЛАРДА ЭСА РЕСПУБЛИКА Бўйича жами 205 ТА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.



2020/2021 Ўқув йилидан:

МАКТАБЛАРДА "ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" ФАНИ "БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ" ЛОЙИХАСИГА ОИД Ўқув дастурлари билан интеграция қилинади.

МАЗКУР ЛОЙИХА доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган МАКТАБЛАРНИНГ 100 НАФАР ЭНГ ЯХШИ "ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" ФАНИ Ўқитувчиларини ҳар йили БҲМНИНГ 20 БАРАВАРИ МИҚДОРИДА БИР МАРТАЛИК МУКОФОТЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ.

2021 ЙИЛ 1 МАРТГА ҚАДАР УШБУ ФАН Ўқитувчиларини СЕРТИФИКАТЛАШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ.

2021 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРАН РАҚАМЛИ Кўникмаларни ЭГАЛЛАШ ДАРАЖАСИ Бўйича ТЕГИШЛИ СЕРТИФИКАТГА ЭГА Бўлган ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИНГ УШБУ ФАН Ўқитувчиларига БҲМНИНГ 50 ФОИЗИ МИҚДОРИДА ҲАР Ойлик УСТАМА ҲАҚ Тўланади.

2021/2022 Ўқув йилидан ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.



Ўзбекистон ва жаҳон

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧИ, РАҒБАТИ ВА ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайлангани тимсолида яна бир бор намоён бўлди

Бошланғичи 1-бетда

Кейинги йилларда аҳоли ва партиаларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири тобора ошириб бормоқда. Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қадрларга жавобан жорий йилнинг ўзида фуқаролиги йўқ 50 минг юрдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро барқиялганлик янада мустаҳкамланмоқда.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар илчил амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда эришган бу каби муҳим натижаларнинг барчаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши асосий вазифалари билан уйғун ва ҳаммадан. Бинобарин, маъзур кенгашнинг бош вазифаси эркинлик, қонун устуворлиги ва адолатни тарғиб қилишидир.

Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши жаҳон бўйлаб бу борадаги вазиятни назорат қилиб, ҳуқуқматларга кўрсатма ва тавсиялар бериб боради. Энг муҳими, кенгашга аъзо ҳар бир давлат ўз мажбуриятларини ёдда tutиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни билан боғлиқ мезонларга амал қилишда намуна бўлиши лозим.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг юқори халқаро органга аъзолик учун интилгани бежиз эмас. Бу самарадор саъй-ҳаракат давлатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзосига оқлантиладиган мажбуриятларини астойдил бажариш ва инсон ҳуқуқларини глобал миқёсда ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганидан далолатдор.

— Бу борада қандай тайёргарлик ишлари амалга оширилди?

— БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларга сайланиши учун Ўзбекистон номзодини илгари суриш вазифаси давлатимиз раҳбари томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол инвестициялар ва инновациялар ривожлантириш йилида амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган бўлган. Шу асосда ўтган даврда комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва илчиллик билан амалга оширилди.

Хусусан, аввало, маъзур тартиб-қоидаларга асосан номзодлик БМТ Бош Ассамблеяси руҳиатидан ўтказилди ва дипломатик саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. 2019 йил октябр ойида эса БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-резолюцияси мусовфиқ, БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йилларда тақдим этиладиган Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар" ҳужжати тақдим этилди. Шунингдек, ушбу ваъдаларни қисқа таҳлил қилувчи яна 2 та ҳужжат тайёрланди.

Маъзур ҳужжатлар БМТ Бош Ассамблеяси ва Инсон ҳуқуқлари кенгашида ҳамда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари орқали аъзо давлатлар ўртасида кенг тарқатилди.

Ўзбекистон тақдим этган "Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар" да мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлар ва амалга оширилган ислохотлар билан бирга, бу борада келгусида бажариладиган вазифалар ҳам ақс этирилган. Халқаро, минтақавий ва миллий доираларда Ўзбекистоннинг истиқболдаги мажбуриятлари ва режалари батафсил тақдим қилинган.

Ушбу мажбуриятлари 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби доирасида амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, таъкидлаш керакки, бугунги кунга қадар режадаги айрим ихтиёрий мажбуриятларни бажаришга киришилган.

— Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиш мумкинми?

— Бу ўринда Ўзбекистон тақдим этган "Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар" учта йўналиш — халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги бир қатор муҳим вазифаларни ўзида қамраганини алоҳида таъкидлаш

лозим. Аввало, халқаро кўламдаги вазифалар ҳақида тўхталишимиз.

Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон миқёсидаги ва минтақавий масалаларни ҳал этишда ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада кўшма лойиҳалар ва ташаббусларни илгари суриш, БМТ билан ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадида "йўл харитаси" ишлаб чиқилган ва илчиллик билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз БМТ Бош котиби илгари сурган "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллиги: келажакка нигоҳ" мавзусида туркум глобал мунозаралар ўтказиш ташаббусини тўла кўллаб-қувватлади. Шу ташаббус доирасида жорий йил давомида миллий ва халқаро ҳамкорларимиз билан учта глобал онлайн мунозара ташкил қилди.

Ушбу мунозараларда БМТ ва унинг тузилмалари, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, БМТРД, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, Халқаро миграция ташкилоти ҳамда Парламентлараро иттифокнинг юқори лавозимли вакиллари иштирок этди.

Хусусан, глобал мунозараларнинг биринчиси "Ўзбекистон ва БМТ: Барқарор ривожланиш мақсадлари асосини йўлидаги ҳамкорлик" деб номланди. Анжуман 2020 йил 26 июнь кuni Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий Мажлис палаталари ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан видеоконференца алоқасида ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев форум иштирокчиларига мурожаатида таъкидлаганидек, "Ўзбекистон БМТнинг низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро шартномаларнинг мақсад ва тамойилларига содиқ ҳамда ўз зимма-мизига олган мажбуриятларимизни оғишмасдан бажариб келмоқдамиз. Бу биз амалга ошираётган, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир".

Бундан беш йил аввал БМТга аъзо давлатлар 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартибини қабул қилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида буғунги коронавирус инқирузи шароитида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масаласи алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Нега деганда, дунё тарихий кўламларга эга бўлган, яъни кейинги 50 йил давомида кузатилмаган энг илрик таҳдид ва инқирузга дуч келиб турибди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари инсониятни ҳимоя қилиш ва фаровонлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, бу борада яқдиллик билан саъй-ҳаракат қилиш учун ўзига хос қадри ҳисобланади.

Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни қатъий тарафдоридир. Мамлакатимизда 2017-2021 йиллар доирасида амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мос тушади.

2018 йилда ҳукумат томонидан Барқарор ривожланиш соҳасидаги 16 та миллий мақсад ва шу мақсадлар билан боғлиқ равишда 2030 йилгача бўлган даврда мўлжалланган 127 та вазифа тасдиқланди. Ана шу миллий мақсад ва вазифаларни имплементация қилиш бўйича "йўл харитаси" қабул қилинган. Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган.

Яқинда Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди. Шунингдек, у ЕХХТ Доимий кенгаши ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани бежиз эмас. Чунки Самарқанд резолюцияси хозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалаб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга ҳизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро экспертлар Ўзбекистонда 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартиби ижросига ижобий муносабат билдиримоқда.

Айниқса, мамлакатимизнинг пандемиядан кейин Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, маданий мероснинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги роли ва ҳиссаси, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида барча учун муносиб меҳнат шартлоларини яратиш зарурлиги



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИДА ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, "ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ НИЗОМИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА БОШҚА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ МАҚСАД ВА ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚ ҲАМДА ЎЗ ЗИММАМИЗГА ОЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРИМИЗНИ ОҒИШМАСДАН БАЖАРИБ КЕЛМОҚДАМИЗ. БУ БИЗ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН, 2017-2021 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР".

тўғрисидаги нуктаи назари юқори баҳоланаётгани диққатни тортади.

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги ўзаро ҳурмат ва мўлоқот принципларига таянадиган ҳамда сиёсатлаштириш, икки хил стандарт ва ноҳолис танлов бўйича ёндашиш каби ҳолатлардан холи бўлган кўп томонлама ҳамкорлиқни рағбатлантириш ишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз делегацияси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2019 йил сентябрда Женевада бўлиб ўтган 42-сессиясида иштирок этганини қайд этиш мақсада мувофиқдир.

— Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиш учун зиммасига олган "Ихтиёрий мажбуриятлар ва ваъдалар"да қўзда тутилган минтақавий ва миллий кўламдаги тадбирлар қандай бажарилимоқда?

— Шу йил 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми нафақат мамлакатимиз ва минтақа-миз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қаратилгани билан юғртада аҳамиятлидир.

Халқаро анжуманда "Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тарақиёт ва инсон ҳуқуқлари" номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ҳужжатда, жумладан, ёшлар ҳуқуқлари ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлар ёшнинг ичкилиги тўғрисида бундай имкониятдан маҳрум этилган ҳуқуқлар экани қайд этилган.

Яқинда Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди. Шунингдек, у ЕХХТ Доимий кенгаши ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани бежиз эмас. Чунки Самарқанд резолюцияси хозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалаб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга ҳизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида кейинги 4 йилда ўтган 75 йил давомида эришилмаган ниҳоят-да муҳим ва юксак натижалар кўлга киритилди. Биргина мисол. 1993 йил 25 июнь кuni Вена шаҳрида БМТ шафелигида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

учун миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни тавсия қилинган.

Орадан 27 йил ўтиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 22 июнда имзоланган фармон билан юртимиз тарихида биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди. Бу ҳақдаги маълумотлар БМТнинг олтинчи тилида нашр этилди ва Бош Ассамблеянинг 74-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Миллий стратегияни тасдиқлашга маълумотлар БМТнинг расмий ҳужжатлар тизимида ҳам жойлаштирилди. Натижада дунё жамоатчилиги Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг араб, инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матни билан танишиши учун қулай имконият юзага келди.

Миллий стратегия доирасида 53 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халқаро шартномани ратификация қилиш — жами 98 та ҳужжат устида илчил иш олиб бориш белгиланган.

Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан 2020 йил 10 сентябрь ҳолатидаги мониторинг натижалари "йўл харитаси"нинг жами 78 бандидан 17 таси бўйича ижро мuddати аяқлангани, 7 та банд бўйича ишлар ўз мuddатида бажарилганини кўрсатди. Ҳатто 2 та бандда белгиланган вазифалар мuddатидан олдин адо этилгани эътиборлидир.

Сўнгги йилларда Олий Мажлис томонидан иқтисодий соҳада 30 дан зиёд қонун қабул қилинди. Хусусан, "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида", "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида", "Қасаба уюшмалари тўғрисида", "Мактабга-ча таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласига кирди.

Парламентимиз томонидан 10 дан ортиқ халқаро шартнома, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси ратификация қилинди.

Камбағалликка барҳам бериш, аҳоли соғлигини яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, экология муаммоларига ечим топиш, гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим соҳаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссия ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш тузилган бўлиб, уларнинг фаолиятида парламент аъзолари иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётининг бошқа соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган шиддатли ислохотлар амалий натижасини бермоқда. Ушбу йўналишда янги қабул қилинган қонунлар, жорий этилаётган таъсирчан аниқ механизмлар, тобора кўпайиб бораётган оқлов ҳуқулари — бу каби ижобий омиллар юрдошларимизда адолат, бахтли ҳаёт ва келажакка ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида эришилаётган самаралар халқаро кўламда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, яқинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, шунингдек, АҚШ Давлат департаменти ўз ҳисобларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар, хусусан, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш ва одам савдосига барҳам бериш борасидаги ислохотларга ижобий муносабат билдирди.

Жорий йилда маъзур соҳада кўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз борганда, авваламбор, БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи юзасидан ўз ҳисоботи БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг навбатдаги сессиясига тақдим этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу маърузада Ўзбекистонда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ижобий натижалар алоҳида таъкидланган.

БМТ махсус маърузачиси Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимини бажаришга киришган пайтидан бошлаб амалга оширган муҳим ишлар қаторида, жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлашга қаратилган ислохотнинг кўплаб амалий натижаларини бирма-бир санаб ўтгани эътиборга сазовор.

— БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қандай орган ва унга аъзолик сайловлари қай тарзда бўлиб ўтади?

— БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши БМТ Бош Ассамблеясининг органи бўлиб, 2006 йилда ташкил этилган. Кенгаш ўз мажлисларини мунтазам, йил-ида камда уч марта ўтказиши.

Ушбу сессиялардан бири асосийси саналади ва унинг иши ўн ҳафта давом этади. Кенгаш аъзолари учдан бир қисмининг талаби асосида, жумладан, муайян мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ташвиш аҳолини ўрганиш мақсадида махсус фавқулодда сессиялар ҳам чақирилиши мумкин. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган. Бош Ассамблеянинг 60/251-резолюцияси 7-бандига мувофиқ, "Кенгаш таркибига 47 та аъзо давлат қиради ва уларнинг ҳар бири БМТ Ассамблеянинг кўпчилик аъзолари томонидан бевосита аширин овоз бериш йўли билан сайланади".

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолик учун бешта минтақадан давлатлар танланади. Яъни Осиё-Тинч океани, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидан — 13 аъзо, Африкадан — 13 аъзо, Шарқий Европадан — 6 аъзо, Лотин Америкаси ва Кариб давлатларидан — 8 аъзо, Гарбий Европа ва бошқа минтақалар, жумладан, АҚШ, Канада ва Исрои-л давлатлари орасидан — 7 аъзо уч йил мuddатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

БМТ Бош Ассамблеяси сессияси делегатлари кунни кеча БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 15 та аъзо давлатни сайлади. Улар сафида Ўзбекистон, шунингдек, Буюк Британия, Боливия, Хитой, Гапон, Кот-д'Ивуар, Куба, Малави, Франция, Покистон, Мексика, Непал, Россия, Сенегал ва Украина бор.

Бу галги сайловда бўшаб қолган 15 та аъзолик ўрнига Осиё-Тинч океани, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидан — 4 аъзо, Африкадан — 4 аъзо, Шарқий Европадан — 2 аъзо, Лотин Америкаси ва Кариб давлатларидан — 3 аъзо ҳамда Гарбий Европа ва бошқа минтақалар, жумладан, АҚШ, Канада ва Исрои-л давлатлари орасидан — 2 аъзо сайланди.

Шунингдек таъкидлаш керакки, БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессияси доирасидаги ушбу дастлабки сайловда Ўзбекистон учун БМТга аъзо 191 давлатдан энг кўпчилиги — 169 таси овоз берди. Осиё гуруҳидан Покистон ҳам 169 овоз тўплди. Шунингдек, Непал — 150 та, Хитой — 139 та, Саудия Арабистони — 90 та овоз олди. Кенгашга сайланган янги аъзоларнинг ваколати 2021 йил 1 январдан бошланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси бўлишидан кўзга келмади эзгу ва холис. Биз мамлакатимизда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ҳуқуқ ва қонун устувор бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши тарафдоримиз.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Бақор Хидирова суҳбатлашди.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланиши халқаро етакчилиқни намоиш этиши учун имкониятдир

Бошланғичи 1-бетда

Мамлакатларимиз халқаро майдонда, айниқса, БМТ доирасида анъанавий тарзда бир-бирига мос ва яқин позицияларда ҳаракат қилади. Россия Федерацияси ҳам, Ўзбекистон ҳам БМТ низомида белгиланган мақсадлар ва тамойилларга мувофиқ равишда тенг ва ўзаро ҳурмат асосида ҳамкорлик қилиш тарафдоридир.

Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши БМТ тизимидаги асосий орган, деб ҳисоблайди. Умид қиламизки, Ўзбекистон ва бошқа ҳамкор мамлакатлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали Кенгашни бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг самарали воситасига айлантириш мумкин. Унинг фаолияти универсаллик, танланмаслик, холис-лик, инсон ҳуқуқларининг барча тоифаларига тенг муносабат, маданий ва цивилизация хилма-хилликка ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланади.



Михаил ПОПКОВС, Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мен Ўзбекистон раҳбарияти-ни ва Ташқи ишлар вазирлигидаги ҳамкасбларимни мамлакат келгуси уч йилга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан қўплайман. Ушбу нуфузли халқаро ташкилотга мамлакатлар номзодлари кўрсатиш босқичи бошлангани билан Латвия Ўзбекистон

номзодини мунтазам кўллаб-қувватлаб келмоқда. Яширин овоз бериш жараёнида БМТга аъзо бошқа давлатлар ҳам бизнинг нуктаи-назаримизни кўллаб-қувватлаганидан хурсандимиз.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли тузилма таркибига сайланиши, авваламбор, мамлакатнинг минтақавий ва кенг доирадаги роли ўсиб бораётгани, шунингдек, Ўзбекистон-нинг энг юқори даражадаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларида янада фаол иштирок этишга тайёрлигидан далолат беради, деган фикрдиман.

Ўзбекистон Латвия учун Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шерик ҳисобланади. Бу мамлакатимизнинг ташқи сиёсат стратегияси-да ҳам ўз ифодасини топган. Латвия ҳам Ўзбекистон учун Европа Итти-фоқи мамлакатлари орасида етакчи шериклардан биридир. Бу конструк-тив сиёсий мўлоқотларимиз дара-жаси, самарали парламентларо алоқалар, савдо-иқтисодий ва гума-нитар соҳалардаги сермахсул ҳам-

корликда яқол кўзга ташланади.

Биз Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган ислохотларни катта қи-зиқиш билан кузатишимиз. Мам-лакатнинг ҳаётга табиқ этилаётган барқарор ривожланиш концепция-сининг устувор йўналишларини халқаро майдонда республиканинг обрўсини юксалтириш, минтақа-даги қўшиллар билан муносабат-ларни яхшилаш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, янги истиқболли савдо бозорларига кириш, иқтисодиётни инновация-технологияларни жорий қилиш ва замонавий сановатни тарақий-эттириш ташкил этади. Латвия, Европа Иттифоқининг бошқа дав-латлари сингари ушбу ислохотлар жараёнини кўллаб-қувватламоқда. Чунки улар нафақат Ўзбекистон фуқаролари турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш мақсади-га қаратилган, балки бутун Марка-зий Осиё минтақасига ижобий ва барқарорлаштирувчи руҳда таъсир этмоқда.



Ян БОРИ, Словакиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Словакия Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кен-гашига сайланишини мамнуният билан қабул қилди. Ўзбекистоннинг ИҲҲГа аъзо бўлиши учун овоз бер-ган давлатлардан бири, албатта, бу Словакия. Чунки мамлакатларимиз сўнгги йилларда халқаро майдон-да бир-бирининг номзодини ўзаро кўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳаро



АКАДЕМИК ШАВКАТ АКМАЛХОНОВ



институту) катта илмий ходими, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва директори, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг вице-президенти, Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилиб, ушбу соҳалардаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматқаш олимнинг чорвачилик соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган юзлаб илмий мақолалари, ўнлаб китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари ўртасида яхши маълум. Унинг қатор илмий ишланмалари ва патентлари мамлакатимизда чорвачиликни илмий асосда ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидоийсининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Ш. Акмалхоновнинг Ўзбекистон илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Шавкат Акмалхоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРОБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

КОРХОНАГА САЁҲАТ ҚИЛГАН ЁШЛАР ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА ИШЛИ БЎЛДИ

Худойберди КАРИМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Зоминлик ёшлар учун бу ҳафта қувончли бошланди. Юртимиз ёшлари қатори улар ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг диққат-эътиборида эканини яна бир бор ҳис қилди.

Зомин тумани бўлими ҳамда 3-сектор масъуллари ташаббуси билан вақтинча ишсиз ёшларнинг Даштобод шаҳридаги "OQSAROV JIZZAKH TEXTIL" қўшма корхонасига саёҳати уюштирилди.

Ёшлар корхона фаолияти билан яқиндан таниши, мутахассислар билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Энг муҳими, "ёшлар дафтери"га киритилган 36 йигит-қиз шу куннинг ўзида қўшма корхонага ишга қабул қилинди.



Гап шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан "ёшлар дафтери"ни шакллантириш бўйича берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида Зомин туманида ташкил этилган ишчи гуруҳ ҳудуддаги 37 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинида хатлов ўтказди. Натижда тумандаги 41 минг 213 ёшнинг 978 нафари вақтинчалик ишсиз экани аниқланиб, "ёшлар дафтери"га киритилди.

Бу ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги

ЯНА БИР ТУРИЗМ МАСКАНИ ФЙДАЛАНИШГА ТОШИРИЛДИ

Рўзимбой ҲАСАН, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Янгиариқ тумани марказида Ҳазрати Ғойиб ота жомеъ масжиди ишга тушиши билан Хоразмда зиёратгоҳ масканлар сони яна биттага кўпайди.

саховатли инсонлар хайриялари ҳисобидан тўла таъмирланди ва ташриф буюрувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Миллий ва шарқона услубда қурилиб, жиҳозланган масжид атрофида барпо қилинган шинам боғ ҳам зиёратгоҳга янада кўрк бағишлаб турибди.

Меъморий обиданинг хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган Хива шаҳридан Ҳазорасп туманидаги Сулаймон қалъа ёдгорлиғига олиб борадиган йўл устида жойлашгани эса зиёратчилар сони кўпайишига хизмат қилади.

Огаҳий номидаги маҳаллада жойлашган бу қадим меъморий иншоот

ХОРИЖДАН ЯНГИ МАШИНАЛАР КЕЛТИРИЛДИ

"Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" АЖ аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига тезкор ва самарали хизмат кўрсатиш, электр тизимини узилтириш бўлганда техник ходимларнинг ўз вақтида етиб боришини таъминлаш мақсадида замонавий русумдаги техника воситалари билан таъминланмоқда.



Йил бошидан буён барча электр тармоқлари корхоналари учун янгидан 33 та техника ва хизмат кўрсатиш машинаси сотиб олинди. Яқинда яна 5 та "Changan" автомашинаси харид қилинди.

Хитойдан олиб келинган ушбу замонавий машиналар кичик ҳажмдаги трансформаторлар, кабеллар ва зарур жиҳозларни катта техникалар кириши қийин бўлган тор йўллардан бемалол олиб ўтиш имконини беради.

Янги машиналар "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг чекка туманлардаги корхоналарига ажратилади.

15 октябрь — Қишлоқ аёллари халқаро куни

“ҚИШЛОҚ ЖАВОҲИРЛАРИ” — ИШЧАНЛИК, ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Жаҳонда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган саёй-ҳаракатлар ҳаётимизнинг барча соҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожига ҳам хотин-қизлар улуши ортишига замин яратмоқда. Аёллар уй-рўзгор юмушлари, бола парвариши билан бир қаторда юрт фаровонлиги ва иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида бу йил хотин-қизлар ва ёшларни кўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги боқсика қутарилишини таъкидлаб, 2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит бериш, бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратиш, ижтимоий ҳиммага муҳтож опа-сингиллари мизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитишни ташкил этиш масалалари илгари сурилган эди. Бугун ана шу ишлар фаоллик билан амалга оширилиб, гендер тенглиги ва аёллар бандлигини таъминлаш кун тартибидеги устувор вазифалардан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари шу йили 8 октябрь кунини жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу масалаларга яна бир қарра тўхталиб, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан, мингдан зиёд нодавлат касб-хунар таълими марказларини жалб этиш юзасидан топириқлар берди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабрдаги йиғилишида фидоий, меҳнатқаш қишлоқ аёлларини эътироф этиш, уларга ҳурмат-эътиром кўрсатиш мақсадида 15 октябрь — Қишлоқ аёллари халқаро кунини деб эълон қилинди. Ҳозир халқорар миқёсда кенг нишонланган ушбу байрам бу йил юртимизда иккинчи бор ўтказилмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз — Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Адиба АҲМАДЖОНОВА мамлакатимизда қишлоқ аёллари халқоро кунини муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларнинг фаол ташаббускорларидан бири ҳисобланади.

— Юртимизда ўтган йили илк бор нишонланган Қишлоқ аёллари халқоро кунини хотин-қизларга бағишланган бошқа саналардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Умуман, бу сананинг мақсад-вазифаси қандай?



БУГУН БИРОР ИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАМАН, ДЕГАН АЁЛЛАРГА КўПЛАБ ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛЯПТИ. ҲАТТО АЙРИМ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҚўШИМЧА МАБЛАҒЛАРИНИНГ 30 ФОИЗИНИ АЙНАН АЁЛЛАР ИШБИЛАРМОНЛИГИНИ КўПЛАБ-қУВВАТЛАШГА ЙўНАЛТИРЯПТИ. УЛАРДАН ФАҚАТ ФЙДАЛАНИШ КЕРАК, ХОЛОС.

ди? Бугун қишлоқ аёли деганда кимни кўз олдимизга келтирамиз?

— Аввало, қишлоқ аёлига муносабат, эътибор ўзгарди. Қайсидир маънода бир вақтлар қишлоқ аёлига замондан ортада қолган, кўп нарсага ақили етмайдиган ожиза сифатида қаралган бўлса, бугун ҳар жаҳонда фаоллик кўрсатаётган, давр билан ҳамнафас ашаддиган фермер, тадбиркор ёки оддий меҳнатқаш аёлга кўпчилик ҳавас билан қараяпти.

Охириги йилларда қишлоқ аҳолисининг гендер тенглиги, аёлларнинг ишлашига бўлган муносабатининг ижобий томонга ўзгариб бораётгани ҳам меҳнат бозорига хотин-қизлар улуши ортишига хизмат қилаяпти. Аёлларнинг ҳам бу борадаги дунёқараш ўзгариб, бирор соҳада меҳнат қилиш орқали оиласи даромадига ҳисса қўшиш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истаги, замон билан бира қадам ташлашга бўлган интилиши ортиб борапти. Бир неча йиллар олдин йирик фермер хўжалиқларини фақат эркалар бошқарган бўлса, бугунга келиб



туманларда фаоллиги юртияётган фермер, тадбиркор аёллар ҳақида тез-тез эшитилмоқда.

Яна бир қувонarli жиҳати қишлоқ аёлларнинг таълим олиш, касб-хунар ўрганишига бўлган қизиқиши ортаётганидир. Хусусан, олий таълим муассасаларининг аграр соҳа йўналишида қизлар улуши кенгайиб бормоқда. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида жорий йилда жами 11 914 нафар талаба тахсил олаётган бўлса, уларнинг 3 318 нафари эки 27,8 фоизини қизлар ташкил этмоқда. Бунинг учун уларнинг оиласида шароит яратиладиган қўллаб-қувватланаётгани янада қувонarli ҳол. Зеро, қишлоқларда яшайдиган хотин-қизларни таълимга, касб-хунар эгаллашга, тадбиркорликка йўналтириш олаккина худудларда ривожланиш бўлади, аҳоли фаровонлиги ошади.

— Қишлоқ аёлларини кўллаб-қувватлаш — катта бир тизим. Битта ташкилотнинг ўзи унинг барча йўналишларини қамраб олиши қийин. 2019 йилнинг июль ойида ташкил этилган Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмасининг бу борада олдига қўйган вазифалари нималардан иборат?

— Биз аграр соҳада фаолият юртияётган хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, касбий маҳоратини юксалтириш, билим дорларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ва бошқа бир қатор вазифаларни олдимизга қўйган ҳолда иш бошлаганмиз. Шу кунга қадар худудларда ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик йўналишдаги ўқув, амалий ҳамда кўргазмали семинар-тренинглари, учрашувлар, давра суҳбатлари, курик-танловлар ўтказиб келямиз.

Уюшманинг асосий вазифаси қишлоқ жойлардаги аёлларнинг турли йўналишларда билимларини, касбий маҳоратини оширган ҳолда, ўз қизиқишига қўла, тегишли ташкилотларда мавжуд бўлиш иш ўринларига йўналтиришдан иборат. Айни пайтда уюшма билан 12 та вазирлик ва идора ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, бу қишлоқ аёлларига турли масалаларда кўмак бериш имкониятини янада оширади.

Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Фарғона вилоятларида уюшма филиаллари очилган бўлиб, улардаги мутахассисларимиз худудлардаги аёлларнинг мурожаатларини қабул қилади, ўз маслаҳатларини бериб, қизиқишлари асосида тегишли ташкилотларга йўналтиради. Бу жараёнларда қишлоқ хўжалиги йўналишида катта тажрибага эга олимлар, фан докторларидан иборат волонтерларимиз ҳам фаол иштирок этади.

Охириги вақтда аёллар учун бўлиш иш ўринлари яратишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ноанъанавий эканлар етиштириш йўналишларига катта эътибор қаратиляпти. Томорқа ерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачиликни ривожлантириш асосида худудларда, асосан, хотин-қизлар учун бўлиш иш ўринлари яратилляпти. Кўллаб аёллар бундан яхши даромад олиб, ўз бизнесини бошлашга ҳам муваффақ бўлмоқда. Оиласига даромад олиб кириш билан бирга ён-атрофидаги хотин-қизларни иш билан таъминляпти.

Ноанъанавий эканлар экиш йўналишида меҳнат қилаётганларнинг ҳам аксариятини аёллар ташкил қилмоқда. Жиззах вилояти Бахмал туманида кластер ташкил этилиб, заъфарон ўсимлигини экиш йўлга қўйилди. Мазкур корхонада ҳам мавжуд 200 та доимий иш ўринининг 70 фоизига хотин-қизлар ишлаяпти. Айтиш жоизки, асосан хорижа экспорт қилинадиган қимматбаҳо ўсимлик 3 та йўналиш — озик-овқат, дори-дармон ва бўёқ sanoатида фойдаланиляпти. У инсон иммунитетини ошириб, жуда кўп касалликларга даво бўлибгина қолмай, ҳаётда талабгир зирвор ҳамдир.

Биз турли семинарлар, учрашувлар орқали, аввало, ишчан, ижтимоий фаол аёллар сафини кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Аслида ижтимоий фаол аёллар сафига нафақат ишлаётган ёки ўқитётганлар, балки иш излаётганларни ҳам киритамиз. Чунки улар ҳаракатда ва биз ана шундай изланувчан, ўз устида ишлайдиган, олдида мақсад қўйган аёлларни кўпайтирсак, жамиятда камбағаллик камаяди, фаровонлик ортади.

— Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 8 октябрь кунини жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидадан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида "аёллар дафтари"ни шакллантириш бўйича топшириқ берди. Бу айни вақтда айтилган жуда муҳим ташаббус бўлди, шундай эмасми?

— Ҳақиқатан, бу ҳозирги кундаги энг долзарб, муҳим масалалардан бири. Сабаби, ҳар бир хонадон, ҳар бир инсонга етиб бориш, уларнинг муаммоларига ечим топиш керак, деган ташаббуснинг амалиётга жорий этилиши жуда кўп аёлларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартиради. Бундай "дафтар"нинг юртиятилиши, аввало, барча аёлларга бўлган эътибор рамзидир. Жамиятимиздаги ҳар бир хотин-қиз бундай гамҳуорлик туфайли эътибордан четда эмаслигини ҳис этади. "Менинг гамимга кимдир шерик экан, кимдир ёрдам бера олар экан", деган мотивация билан яшайди.

"Аёллар дафтари", деб бекорга айтилмайди. Унда кимнингдир исми қайд этилди, демак у билан тизимли ишлаяпти. Бундай "дафтар"ни ташкил қилишни 2 та йўналишга ажратиш олиш керак, деб ўйланган. Яъни унга объектив сабабга кўра — қандайдир муаммолар туфайли ишнинг ёки соғлигини йўқотиб қўйган, муаммага дуч келган аёллар ҳамда субъектив сабаб билан тушганларни аниқлаб олиш лозим.

Субъектив сабабга кўра "аёллар дафтари"га тушган хотин-қизлар билан алоҳида ишлаш, илжори бориша тўғри тушунириш ишларини олиб бориша талаб этилади. Улар бир нарсани англаш лозим: "темир дафтар"га тушиди, дегани унга доимий ёрдам берилишини аниқлантади. Афсуслар, айрим инсонлар ана шундай фикрда боқимандаликка ўрганиб қолмоқда. Ваҳоланки, халқимиз қўлдан берганга қўш тўйма, дейди. Албатта, ҳам таъминланган, муҳтож оилаларга ёрдам беришимиз керак. Лекин "темир дафтар", жумладан, "аёллар дафтари"ни юртиятишдан асосий мақсад одамларга мустақил оёққа туришига мотивация бериш, муносиб иш топишига рағбатлантириш, касб-хунар эгаллашига қўмаклашишдан иборат. Унга берилган билим ва кўникмаларнинг бари ўша кишининг ўзи билан қолади ва доимий даромад манбаига эга иш топишида катта кўмак бўлади.

Шу жумладан, ҳаётда аниқ мақсади, истиқбол режалари бўлмаган, "аёллар дафтари"га тушиб қолган хотин-қизлар билан ҳам алоҳида ишлашимиз керак. Уларни иш билан таъминлашдан олдин маънавиятини, дунёқарашини бойитишимиз, интилишини уйғотишимиз зарур. Ҳар бир аёлда интилиш бўлсагина, жамиятда катта ўзгаришлар бўлади. Бугун бирор иш билан шуғулланаман, деган аёлларга кўллаб имтиёз, имкониятлар бериляпти. Ҳатто айрим тижорат банклари қўшимча маблағларининг 30 фоизини айнан аёллар ишбилармонлигини кўллаб-қувватлашга йўналтиряпти. Улардан фақат фойдаланиш керак, холос.

Биз бундан бир неча кун олдин АКШнинг USAID ташкилоти билан биринчи йирик лойиҳамизни амалга ошириш бўйича келишув имзоланди. Лойиҳанинг мақсади энг чекка қишлоқ жойларда аёлларга бепул юридик хизмат кўрсатишдан иборат. У аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилляпти. Ҳозир Тошкент вилоятининг Охангарон ва Паркент туманларида чекка тоғли худудларда бепул хизмат кўрсатадиган юридик пунктлар ташкил этилиб, ишларни бошлаб буюрди. Бу пунктлардаги мутахассисларимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг мурожаатларини қабул қилиб, муаммоларининг ечимида уларга кўмак беради.

Бундан ташқари, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган йирик лойиҳаларда иштирок этиш, хотин-қизлар кооперацияларини ташкил этиш сингари кўллаб мақсадларимиз бор. Келгусида барча худудларда Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси филиалларини ташкил этиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш орқали юзлаб, минглаб хотин-қизларни жамиятнинг фаол қатламига айлантиришга ҳиссамизни қўшиш истагидамиз.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.

Таҳлил ва таққос



Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида қашшоқлик ва камбағаллик пандемия шароитида глобал миқёсда кескин тус олаётганини таъкидлар экан, бу муаммоларга қарши курашишни Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессиясида асосий мавзулардан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этди.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**Акмал АБДУВОҲИДОВ,
Гулистон давлат
университети катта
ўқитувчиси**

кескин қисқартирилди. Ўзбекистонда ҳам камбағалликка қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқишда Хитой тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эътироф этиш жоиз, ушбу мамлакат кейинги пайтда камбағаллики туғатиш борасида жуда катта ишларни амалга оширди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Хитойда бугунги кунга келиб 850 миллион киши қашшоқликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси 1981 йилда 88 фоизга етган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 0,7 фоизга тенг бўлди. Бу рақам ривожланган мамлакатлардаги камбағаллик даражасига мос келади. Хусусан, бу даража АҚШда 11 фоиз, Швецияда 0,61, Германияда 0,19, Италияда 1,5 фоизни ташкил этади.

қатор ташкилотлар фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий лабораториялар ва усуналар билан жиҳозланади. Бунинг учун Жаҳон банкининг 124 миллион доллар инвестицияси ва Европа Иттифоқининг 2 миллион доллар грант маблағлари йўналтирилади.

Бугунги пандемия шароитида қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касоб этмоқда. Шу мақсадда сўнгги ойлари ичида давлатимиз раҳбарининг Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, балчиқлик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш, мамлакат озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан тўлақонли таъминлаш, пиллаччилик ва қорақўлчиликни янада тараққиёт эттириш каби чора-тадбирларга доир фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ана шу муҳим ва долзарб ҳужжатларнинг узбёк қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қанчалик устуворлик берилётганини яққол кўрсатиб турибди. Иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиги алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ва қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар билан ўзаро интеграцияни таъминлаш бугунги кунда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Сирдарё вилоятида тажриба сифатида "Bek cluster" Ўзбекистон — Буюк Британия кўшама корхонаси агро-саноат соҳасида биринчи кластер сифатида ташкил этилган бўлса, айни кезде уртимизнинг барча ҳудудларида бу тартиб янада омаллашмоқда. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётдаги янги тузилма — пахтачилик-тўқимачилик кластерлари катта самарадорликка эриша бошлади.

"Bek cluster" фаолияти таҳлили кўрсатмоқдаки, қисқа муддатда пахта ҳосилдорлиги гектарига 17,2 дан 30,2 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги қарий уч баробар, яъни 61,5 центнерга ошган. Шу билан бирга, 2622 фуқаро доимий иш жойи ва барқарор иш ҳақи билан таъминланган.

Шу кунгача кластер томонидан саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 380 миллиард сўм ва 572 минг АҚШ доллари тенг бўлган 10 йирек лойиҳа амалга оширилган бўлса, яқин истиқболда яна 142 миллиард сўм қийматдаги иккита йирек лойиҳаси ишга тушириш мўлжалланган.

Давлат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишни осонлаштиришга кўмаклашувчи, ишлаб чиқариш ва бизнесни ташкил этишнинг янада рақобатбардош шакли сифатида кластерларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, пахта-тўқимачилик кластерлари

минг тонна бўлган маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва куриштириш ташкил этиш бўйича 96 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектар майдонда интенсив боғлар ва 8 минг гектарга яқин тоқзорлар яратиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жорий йил давомида кластерларнинг 410 миллион долларлик маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз миқёсида 2019 йилда кластерлар томонидан 11 мингта янги иш ўрни яратилган.

Пандемия ва соғлом овқатланиш имконияти

COVID-19 пандемияси нафақат инсон ҳаётига, балки унинг кун кечириш манбаларига ҳам катта хавф солмоқда. Айрим мамлакатларда пандемиянинг тарқалиши секинлашиб, инфекция ҳолатлари камайиб бораётган бўлса, бошқаларида эса COVID-19 тез тарқалиш давом этиб, зарарланишлар яна кўпая бошлади.

Теъдор чоралар қўрилмаса, миллионла болалар ва катталар учун узок муددатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фавқулодда глобал тусга эга озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосига дуч келиши табиийдир.

Бу, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги билан боғлиқ — даромадлар тушмоқда, пул ўтказмалари қисқармоқда ва нархлар кўтарилиб бормоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий тус олган мамлакатларда, бугунги кунга келиб озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги билан бир қаторда уларни ишлаб чиқариш инқирози катта хавф туғдирилмоқда.

Дунёда очлик ёки тўйиб овқатланмасликдан азият чекаётган одамлар сони ўсишда давом этаётган бир пайтда COVID-19 пандемиясига дуч келиш. БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, 2020 йилда пандемия оқибатида юзага келган иқтисодий таназулот ҳақиқатда дунёда очликдан азият чекаётган одамлар сони камида 83 миллионга, ҳатто катта эҳтимол билан 132 миллион нафарга етиши мумкин.

Ишсизликнинг муттасил ўсиши, даромад манбаларининг йўқотилиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам истеъмолчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлашни хавф остига қўяди ва бу борадаги хавфсизликни таъминлаш борасида жиддий хатарларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, пандемия миллий иқтисодиётларни чуқур рецессияга олиб келиши боис, дунё мамлакатлари "тождор" балонинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимларига салбий таъсирини юмшатиш борасида жиддий кўрашларни амалга оширишлари талаб этилади.

Давлатимиз раҳбарининг қашшоқликни туғатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишлан-

ган глобал саммитни ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси долзарблиги билан катта аҳамият касоб этди. Чунки юқорида келтирилган рақамларнинг ўзи бу борадаги глобал инқирознинг кучайиб бораётганидан далolat бериб турибди. Ўзбекистонда эса шаклланган янги ва чуқур уйланган тизим ўзини тўла оқламоқда.

Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган рақамларга кўра, 2020 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт бироз бўлса-да ўсишда давом этди. Ялпи ички маҳсулот 255,253 миллиард сўм ва 0,2 фоиз ошди. Тармоқлар ялли қўшилган қийматининг ўсиши 0,3 фоизни ташкил этди. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Қозоғистонда ЯИМнинг биринчи ярим йилликда 1,8 фоиз, Қирғизистонда 5,3 фоиз камаган. Россия Марказий банки маълумотларига кўра, мамлакатда йиллик ЯИМнинг камайиши 9,5-10 фоизни ташкил этади. Хитой иқтисодиёти иккинчи чоракда 3,2 фоиз ўсганига қарамай, биринчи ярим йилликда мамлакат иқтисодиёти 1,6 фоиз қисқарди.

Иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан суръат секинлашган бўлса-да, ўсиш давом этмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси — 2,6, қурилиш — 7,3, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 1,2 фоиз ошди.

Далалардаги баҳорги ишлар муваффақиятли ўтиши, мева-сабзавотларнинг янги ҳосили истеъмолчиларга тўқсиз этиб бориши ва саноат ходимлари ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришда эркин ҳаракат қилиши учун барча зарур чоралар қўрилди. Бундан ташқари, дунёда озиқ-овқат етказиб бериш занжирларининг узлигини шароитида экспортни ошириш бўйича кенг куламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида ўтган йилнинг шу даврида ўсиш 2,4 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 2,7 фоизга етган. Энг жадал ўсиш балчиқчилик соҳасида кузатилмоқда — ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан ўсиш кўрсаткичи 16,7 фоизни ташкил қилмоқда. 2020 йилнинг январь-июль ойларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан 498,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1 июль ҳолатида 327,3 минг гектар майдонга тақририй экинлар, жумладан, 25,9 минг гектар майдонга сабзавот, 15 минг гектар майдонга полиз, 930 гектар майдонга картошка ҳамда 285,5 минг гектар майдонга бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилган, 38,5 минг киши хондондида ўз маблағлари ва имтиёзли кредитлар асосида ихчам иссиқхоналар қурилган. Уз вақтида қурилган ана шундай чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда республикада "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида маҳсулот еттиштиришга иқтисодлаштирилган маҳаллалар сони ортиб бормоқда.

Агар қайта ишловчи йирек ишлаб чиқариш корхоналари, савдо-воситачи ташкилотлар ўртасида ана шу тизим асосида кооперация алоқалари янада кенгайтирилиб, бозорбор ва экспортбор маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўпайтириш борасида ҳудудий дастурлар изчил амалга оширилса, унинг самарадорлиги янада ошиши табиий.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларга турли йўналишларда хизмат кўрсатиш билан шуғулланган субъектлар фаолиятини инновация асосида ташкил этиш стратегик аҳамиятга эга. Ушбу жараёни узлуқсиз такомиллаштириш давр талабига айланган бормоқда. Глобал тажриба Хитой, Хиндустон, Бразилия, Чили ва Вьетнамдаги иқтисодий ўсишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг жадал ривож билан боғлиқлигини кўрсатса, акинча, Африкадаги айрим мамлакатларнинг қолоқлиги уларнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат умумдорлигини етарли даражада таъминлай олмаётгани билан изоҳланади.

Тадқиқотларга кўра, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ўсиши иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам маҳсулот тайёрлашнинг 1 долларга кўтарилишига олиб келади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 1 долларга ортиши қишлоқ хўжалигида 0,18 долларга кўпайишни таъминлайди. Яна бир жиҳати, тармоқда меҳнат умумдорлигининг ўсиши ундан бошқа йўналишларда фаолият юритаётган аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжини озиқ-овқат билан таъминлаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун иқтисодиётнинг бошқа секторлари, хусусан, саноат маҳсулотлари (ўғитлар, асбоб-усуналар ва машиналар) талаб пайдо бўлади. Тармоқда банд бўлган аҳоли даромадларининг ўсиши асосида зарурий истеъмол товарларига эҳтиёж ортиб боради. Бу, ўз навбатида, саноатлаштиришни рағбатлантиради. Мазкур омил ўз вақтида Хитойда ер ислохоти сиёсатининг асосини ташкил қилган эди. Хусусан, ерга эгалик ҳуқуқини бериш орқали саноат маҳсулотларининг ички бозорини ривожлантиришга эришилди. Ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш орқали камбағалликни

Рақамлар замиридаги туб ислохотлар

Ўтган йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 16,4 миллиондан кўпроқ киши (умумий аҳолининг 49,4 фоизи) қишлоқ жойларда яшайди. Мамлакатимизда туғилиш даражаси юқори (23,3 промилле), қишлоқ ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги яққол кўзга ташланади.

2019 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасининг Ўзбекистон ЯИМдаги ҳиссаси 28,1 фоизни, мамлакат ЯИМнинг ўсишига тармоқнинг қўшган улushi 0,9 фоизни ташкил қилди. Ўтган йилда мазкур секторда 3,543 миллион киши (банд бўлганлар умумий сонининг 26 фоизи) ишлагани ҳолда, уларнинг 1,066 миллион нафарни расмий равишда, 2,477 миллион киши эса норасмий секторда ёки ўз-ўзини иш билан банд қилганлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга сотиш Ўзбекистонга жами экспорт даромадларининг тўртдан бири қисmini таъмин этади.

Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта ишлаш ва экспортдан қўшимча даромад олиш каби масалалар айнан қишлоқ хўжалиги ривож билан боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз томонидан тармоқни тубдан ислоҳ қилиб, бозор механизмларини жорий этиш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни илмий асосида ташкил қилишга киришилди. Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан қабул қилинган Қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясида бу борадаги энг долзарб ва истиқболли вазифалар белгилаб берилди.

Соҳани модернизация қилиш бўйича 500 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш юзасидан Жаҳон банки билан келишувга эришилди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта илм ва инновацияни ривожлантириб, тармоқда бошқарушни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга маблағ йўналтирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тартибдаги бир

Кластер — самарали ва истиқболли тизим

Пахта хомашёси экспортдан воз кечиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга катта эътибор бериш, тарқоқ хўжалиқлар ўрнига кластерлар тузиш



сони 2018 йилда 15 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 73 тага етди. 2019 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 1,8 миллион тоннаси ёки ямши ҳосилнинг 66 фоизи кластерлар ҳиссасига тўғри келди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластерлари доирасида қуввати 430

сони 2018 йилда 15 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 73 тага етди. 2019 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 1,8 миллион тоннаси ёки ямши ҳосилнинг 66 фоизи кластерлар ҳиссасига тўғри келди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги кластерлари доирасида қуввати 430

Ижтимоий ҳимоя — уй-жойга муҳтож оилаларга субсидия — давлатнинг БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ



**Элдор БАҲОДИРОВ,
Давлат хизматлари агентлиги Навоий вилояти
бошқармаси бошлиғи уринбосари**

Энг ривожланган давлатларда ҳам ўзига тўқ оилаларнинг ҳаммаси ўз уйига эга эмас, ижарада яшайди. Сабаби, уй жуда қиммат. Ўзбекистонда эса уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган аҳолига бошпана қилиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса, даромади юқори бўлмаган фуқароларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олиши учун субсидия ажратилмоқда.

Кўпчилик мазкур имкониятга аҳамият беради. Субсидия бошлангич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисmini қўллаб бер-

мезонларига мос тўлса, уй олишда бошлангич тўловга муҳтожлигининг учун сизга тақдим этилган пул давлатнинг беғараз ёрдами сифатида берилса ва қайтариб олинмайди.

Фуқароларнинг субсидия олиш учун мурожаати Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинмоқда. Навоий вилоятида жорий йилнинг 22 сентябрга қадар 879 нафар фуқаро субсидияга эҳтиёж сезгани учун мурожаат қилган. Аҳолидан Давлат хизматлари марказлари орқали 681, my.gov.uz портали орқали 198 та ариза келиб тушган.

Комиссия хулосасига кўра, 65 оила субсидия олиш имкониятига эга бўлди, 529 мурожаатга рад жавоби берилган, 161 таси эса ҳаракатда. Мурожаатларнинг энг кўпи Учқудуқ туманидан бўлиб, 332 оила ипотека кредити олиш учун ариза берган бўлса, Зарафшондан 310, Навоий шаҳридан 153 оила шу масалаларга мурожаат қилган. Субсидия олиш имконияти берилган оилаларнинг 51 таси Зарафшон шаҳридан, 13 таси Учқудуқ туманидан.

Ана шулар орасида зарафшонлик Зайнаб Ғаниева ҳам бор. Унинг таъкидлашича, кўп йиллар Зарафшон шаҳридаги 6-ётоқхонада оиласи билан яшаган. Кетма-кет фарзандлар туғилган оиланинг ётоқхонада яшашини кўз олдингизга келтиринг. Турмуш ўртоғи йиллар давомида ишласа-да, бошпана қи-

лишга маблағ йиғолмаган. Фуқаро субсидия бериш тўғрисидаги қарорни эшитган, Зарафшон шаҳри Давлат хизматлари маркази орқали ариза берди. Комиссия хулосасидан сўнг марказ ходимлари фуқарога субсидия бериш тўғрисидаги хабарномани тақдим этганида эса эр-хотин беҳад бахтиёр бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ариза топширган ҳар бир талабгорга субсидия, яъни пул берилавермайди. Субсидия тайинлаш учун фуқаролар аниқ мезонлар бўйича, яъни даромади юқори бўлмаган фуқаролар, кам таъминланган оилалар, ночор, ногирон ва химояга муҳтож хотин-қизлар танланади.

— Давлат хизматлари маркази ходимлари кўмаги ҳеч қачон ёдимдан қиймайди. Чунки субсидияга ариза ташлаш учун ҳужжатларимни йиғишга Давлат хизматлари маркази ходимнинг катта ёрдами теғди, — дейди учқудуқлик Гулнозахон Зоирова. — Икки фарзандим бор, 9 йилдан буён ижарада яшаймиз. Бирин-кетин фарзандларим туғилди. Бола парвариши билан уйда ўтирдим. Ҳозир турмуш ўртоғим билан Шимолий кон бошқармасида ишляймиз. Аммо ижара тўлови оила иқтисодида катта зарар. Буни ижарада яшаётганлар яқши билади. Узингнинг бошпанан бўлмаса, биринг икки бўлмас экан. Аммо ҳукуматнинг субсидия ҳақидаги қарори чиққанда юрагимда

бир умид пайдо бўлди. Шу илгич мени Учқудуқ тумани Давлат хизматлари марказига бошлади. Мана, унинг бошлангич тўлови учун 29 миллион сўм пул ажратилди. Шунчалар хурсандманки, бунинг сўз билан таърифлаш мумкин.

Субсидияга эга бўлган фуқаролардан яна бири Улуғбек Йўлчиевдир. Унинг айтишича, ариза ташлаганида таниш-билишлари ишонсизлик билан "кам таъминланган оилаларга субсидия олишга йўл бўлсин", деган экан.

— Энди баралла айта оламан, давлат томонидан 29 миллион сўм маблағ қайтармаслик шarti билан уй-жой олишимга ажратилди, — дейди Улуғбек Йўлчиев. — Аслида ўз яқинларим ҳам менга бунча пулни беришига имкони йўқ. Инсонпарварлик шунча бўлар-да.

Унинг оиласида уч фарзанд тарбияланыпти, турмуш ўртоғи ишлаймайди. Шу боис, хабарномани уй бекасининг ўзи олишга келди. Айни кунда Учқудуқ тумани Давлат хизматлари марказлари орқали субсидия олиш учун ишчи гуруҳ хулосасига асосан ижтимоий мезонларга мувофиқ 13 аризагачи ўз хабарномаларини олиб кетди. Махсус комиссия таркибида ҳокимлик, молия, солиқ, банк, кадастр, Ёшлар иттифоқи, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, бандлик, ички ишлар тизимидан вакиллар бор.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ



Ҳажим ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Бошланиши 1-бетда

Филолог олимлар тилни "маданий ҳодиса", деб изоҳлайди. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатнинг маданий мероси унинг тили билан боғлиқ. Шу маънода, юртимизда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати ва Халқаро хунармандчилик фестиваллари ҳам бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонни, ўзбек тилини дунёга тараннум этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бу борада билдирган қуйидаги фикрлари диққатга молиқдир: "Қимда-қим ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тусин".

Сўнгги йилларда она тилимиз — ўзбек тилига бўлган эътибор туфайли унинг мавқеи янада ортди, мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди ҳамда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларида адабий тил қоидалари ва нормаларига, шунингдек, юридик, техник ва бошқа махсус қоидаларга риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Эндиликда давлат тили масалалари

бўйича маслаҳатчилар ўзи фаолият юритаётган ташкилотнинг маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунга риоя этилишини таъминлаш масалаларига масъул ҳисобланади.

Тан олиш кераки, миллий гуруримиз — ўзбек тилига бўлган эътибор ўтган йилларда бироз сусайган эди. Бунинг натijasида давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритишга доир қонунчилик талабларига риоя этилмаслик билан боғлиқ қатор камчиликлар кўзга ташланди. Давлат тилида иш юритишга доир шу каби ва бошқа камчиликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада 42-моддани давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилмаслик, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақидаги иккинчи қисм билан тўлдирish таклифи киритилган. Ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий тармоқларда кизгин муҳокамалар марказида бўлди. Демак, бундан англашладикки, фуқаролар давлат тилига оид муносабатларга бефарқ эмас.

"Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 10-моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилиши белгилаб берилган. Шу асосда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясида айна пайтда иш юритиш, идораларо маълумотлар алмашиш тўлиқ давлат тилида амалга оширилмоқда. Хусусан,

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ "ЎЗБЕК ТИЛИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТўҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИ ИМЗОЛАГАНИ БУТУН ДУНЁДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ИХЛОСМОНДЛАРИ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ ТИЛШУНОС ОЛИМЛАРИ, ОНА ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ УЧУН БЕНАЗИР ТУХФА БўЛДИ.

жорий йилнинг июнь ойида нашрдан чиққан, ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ҳамда сўз бирикмаси, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, шевада қўлланадиган сўзлар, тарихий атамаларни ўз ичига олган 5 томлик Ўзбек тилининг изоҳли луғати, шунингдек, қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда чоп этирилган "Давлат тилида иш юритиш" китоби инспекция ходимларининг иш фаолиятида кенг қўлланилади. Ушбу манбалар инспекцияда ўзбек тилида расмий иш ҳужжатларини юритиш меъёрларини белгилабгина қолмасдан, идораларо ҳужжат алмашиш сифатини янада такомиллаштирмоқда.

Яна бир маълумот. 2020 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб давлат хизматчиларининг ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси, давлат тилида иш юритиш асослари, расмий ҳужжатлар ва уларни ёзиш бўйича назарий ҳамда амалий билимлари, кўникма ва маҳоратини ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ўқув курси ташкил этилди. Ушбу курсларда тахсил олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ходимларининг дастлабки рўйхати шакллантирилди. Яқин орада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўсимликлар карантини давлат инспекциялари ҳамда Ўсимликлар карантини илмий маркази ходимларининг ҳам Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида тахсил олишларини таъминлаш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 10 апрель куни Ўзбекистон Президентини "Ўзбек тили кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунни имзолагани бутун дунёдаги ўзбек тили ихлосмондлари, миллатимизнинг тилшунос олимлари, она тилимиз жонкуярлари учун беназир тухфа бўлди. Мазкур қонуннинг 1-моддасига асосан, 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди. Эндиликда бу сана Мустақиллик айёми сингари халқимизнинг энг ардоқли ва асп миллий байрамларидан бири сифатида нишонланади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда янги бир уйғонish — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилётган айна даврда ўзбек тилига бўлган бу хос рамзий маъно бор. Зеро, ўзбек тилининг кадр-қиммати, нуфузини ошириш йўлида ислохотлар давом этанавар экан, жамиятимизда илм ривожланиши, маънавият юксалиши, дунё сатҳида ўзбек тилининг кадр-қиммати, ўрни янада мустақкамлашиб бораверади.

Худудларимизда...

Жиззах вилояти: ТИЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР

Худойберди КАРИМОВ. "Янги Ўзбекистон" мухбири



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бундан бир йил аввал 21 октябрни "Ўзбек тили байрами куни" деб эълон қилган эди. Куни кеча эса Жиззах шаҳрининг сўлим масканларидан бири — Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбонида ана шу санага бағишланган "Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлуғидир" мавзuida маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Республика маънавият ва маърифат маркази Жиззах шаҳри бўлинимаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда Миллий

Самарқанд вилояти: ЯХШИ ЯШАШГА ИСТАК БўЛСА БАС...

Ҳилола ЭРҒАШЕВА



Каттақўрғон шаҳри ҳокимлиги, Халқ қабулхонаси ва секторлар кесимида "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида изчил ишлар йўлга қўйилган. Уларни хоши-истакларига кўра касб-хўнарага ўқитиш, тадбиркорлик истагида бўлганларига кредит бериш, хўнарни хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Каттақўрғон шаҳри прокуратурга қарашли 2-сектордаги Қорирабоб маҳалласида истиқомат қилувчи Акмал Баҳриев отаси, синглиси ва 3 фарзанд билан яшайди. Хунармандликдан ҳабари бўлган А.Баҳриев маблаги йўқлиги учун ишнини давом эттиришга қийналди. Яқинда сектор раҳбари ёрдами билан 30 миллион сўм кредит олиб, ишнини янгидан йўлга қўйди. Ҳозир нақширон чорпоғига ясаб,

рўзгорини тебратяпти. Отаси билан биргаллик тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

— Меҳнат қилган одам яхши яшайди, синглиси ва 3 фарзанд билан яшайди. Хунармандликдан ҳабари бўлган А.Баҳриев маблаги йўқлиги учун ишнини давом эттиришга қийналди. Яқинда сектор раҳбари ёрдами билан 30 миллион сўм кредит олиб, ишнини янгидан йўлга қўйди. Ҳозир нақширон чорпоғига ясаб,

Навоий вилояти: ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

Гулсум ШОДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Куни кеча Қизилтепа тумани Давлат хизматлари маркази янги бинада иш бошлади. Маҳаллий инвестор марказ қурилишида ноанъанавий йўлни танлади. Яъни кўп квартиралы уйнинг 1-қаватида Давлат хизматлари марказини қурди.

Марказ ичкарисидagi интерьер ечим фуқароларга алоҳида кўтаринки қайфият улашди. Ходимлар бор вақтининг ўзида 22 та хизмат кўрсатиш ойнасида мурожат қабул қилади. Давлат хизматини олиш учун электрон навбат йўлга қўйилган. Ота-оналар давлат хизматини олгунча фарзандларини болалар майдончасида беҳавотир қолдира олади. Шунингдек, бинодо фуқаролар учун кутубхона, кафе, китоб жавони ҳам ташкил этилган. Марказнинг ўзида банк кассаси ишлаб турибди.

— Қизилтепа туманида 152 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бу марказ фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат хизматида бўлган эҳтиёжини қолдириш бор гап, — дейди Давлат хизматлари агентлигининг Навоий вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи Фаррух Рўзиёев. — Жорий йилнинг 9 ойида

гвардиянинг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳабабларда фаол қўлланилаётгани, дунёнинг турли бурчакларида баралла янграётгани ҳақида сўз юритилди. Халқимиз, айниқса, ёшларнинг она тилимизга эътибори, уни мукамал ўрганишга қизиқиши ортаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани, бу жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига торгани маънавий-маърифий тадбир иштирокчилари томонидан яна бир бор эътироф этилди.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаб-интернати ва бошқа бир қатор умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий дастур, саҳна кўринишлари ва шеъронхлик тадбирининг янада жонли ўтишини таъминлади.

торга қарашли Нурафшон маҳалласида яшайди. Опанинг хондонига кириб борарканмиз, бу ерда тахлаб қўйилган эски мебелларни кўриб ҳайрон бўлдик. Билишимизча, бу мебеллар Рухсора опанинг ўзи ишлов берар экан. Янги кўриниш олган мебелларни кўрганлар бу ишни аёл киши қилганига ишонмаслиги мумкин.

— Турмуш ўртоғим қамоқдалиги менга оғир таъсир қилди, — дейди Р. Нормуродова. — Бошида нима қилишни билмай қолдим. Икки фарзандим бор. Чебарилгим боис кўшиларимизнинг ясаган мебелларга қопламалар тикиб бердим. Шу тариқа аста-секин ўзим ҳам мебелларни қайта таъмирлашни ўргандим ва мустакил ишлаб бошладим. Фарзандларим менга ёрдами бўлди. Секторимизнинг маҳаллий ёрдами билан иссиқхона ҳам қурдик. Шу нарсага амин бўлдимки, инсон ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиши мумкин экан.

аҳолига хизмат кўрсатиш сони 27 мингдан ортиқ, 1000 га яқин тадбиркор янги бизнес объектини очди. Ҳар куни 150-200 га яқин фуқаро марказ хизматидан фойдаланади. Марказ биносида Президентнинг халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бир қатор ташкилотлар бўлимлари ҳам иш бошлади. Тахлиллар шунини кўрсатадики, Қизилтепада пандемия шароитида ҳам тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш 2 хисса қўлайроқ. Туризм, уй меҳмонхоналари, тиббиёт, оилавий корхоналарда тадбиркорлигини йўлга қўйганлар бунга мисол.

Охириги 2 йилда вилоятнинг 7 туманида Давлат хизматлари марказлари янги бинада иш бошлади. 2020 йилда эса Зарафшон шаҳри, Томди, Қармана туманларида ҳам Давлат хизматлари марказлари учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Одатий сув ҳисоблагичлардан фойдаланганда истеъмолчилар ишлатилган сув ҳажми кўрсаткичлари бўйича ҳар ой таъминот ташкилотига бориб, тўловларни амалга оширади. Сув таъминоти бўйича маълумотлар тақдим этилмаса, ўзаро ҳисоб-китоблар тахминларга асосланиб юритилади.

Иновация



Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бу эса қўллаб ҳатоликларга олиб келиши мумкин. Оқибатда аҳоли ва сув таъминоти ташкилоти ўртасида тушунмовчиликлар юзага келади.

МАСАЛАНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМИ

Коммунал соҳадаги бу каби муаммолар ечими учун яна бир иновация лойиҳа синовдан ўтказилмоқда. Бу — smart сув ҳисоблагичлар. Ҳўш, улар қандай афзалликларга эга?

— Ақлли сув ўлчагичлар анъанавийдаси

дан тезкорлиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. — дейди "Maya International" кўшма корхонаси директори Хуршид Турдалиев. — Хонадонингизда ишлатилган сув миқдори smart ҳисоблагичда акс этади. Худди шу рақамлар бир вақтининг ўзида "Сувос" корхонасининг базасида ҳам кўриниб туради. Яъни бу ускуна кўрсаткичларни масофадан интернет тизими ва бошқа турли технологиялар ёрдамида сув таъминоти ташкилотининг янгилаган биллинг тизимига тақдим этади. Ҳар дақиқа, соат, кун, ой, йил давомида истеъмолчининг қанча сув сарфлаганини дастур автоматик тарзда йиғиб боради ва ҳисоб-китобни беҳато юритади.

Истеъмолчи интернет орқали ўз шахсий кабинетига кириб, хоҳлаган вақтда


СМАРТ СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

таъминотда тежамкорликка, тўловда аниқликка асосланган

қарздорлиги ёки ҳисобида маблаги борлиги бўйича маълумот олиб туриш имкониятига эга. Асосийси, тўловни кассасга бормаи, узоқ наватда турмай, интернет орқали амалга ошириши мумкин. Пул тушган-тушмагани ва қарздорлик ҳолати бўйича маълумотларни эса шахсий кабинет орқали олаверади.

СУВ ЕТКАЗИБ БЕРИШДА ҚАНДАЙ АҲАМИЯТИ БОР?

Smart сув ўлчагичлар сув таъминоти ташкилотига барча истеъмолчиларга ҳақиқатда қанча сув етказиб берилгани, қанча маблағ тўпланганини билишди ва ҳисоб-китобни юритишда анча енгликлар яратади. Техник жиҳатдан эса сув таъминотини таъминлаётган бригадалар қайси массив ёки худудларда қанча миқдорда сув кераклигини аниқ билиб, шунга қараб сув босимини таъминлайдилар. Яъни ортиқча сув қувурга жунатилмайди. Бунда сув ишлаб чиқариш оптималлашиб, қувурга ортиқча босим берилмайди. Қўллаб сув тармоқлари Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда 50-60 йил илгари ётқизилган бўлиб, ярқилмайдиган муддатини ўтаб бўлган. Ортиқча босим оқибатида сув қувурларида носозликлар юзага келмоқда. Бу эса қувурнинг дарз кетиши, таъмирлаш харажатларининг ошиши ва ичимлик сув исофгарчилиги-



га сабаб бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, smart сув ҳисоблагичлар аҳоли хондонларига тўлиқ ўрнатилган, иқтисодиётга ҳам фойда келтиради.

ЛОЙИҲА ТЕСТ РЕЖИМИДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда ақлли сув ўлчагичлар қўллаб давлатларда ўрнатилган ва тизим ўзининг фойдалилигини исботлаган. Ўзбекистонда қўллаб ташкилотлар ақлли сув ўлчагич ишлаб чиқариш бўйича ўз технологияларини модернизация қилиш билан шугулланмоқда.


— Ташкилотимиз Исроил давлати билан ҳамкорликда иш бошлади, — дейди Хуршид Турдалиев. — Биринчидан, ҳар бир маҳсулотнинг қай даражада ишлаши, шу давлатдаги мавжуд тизим — биллинг дастурига киришиб кетиши тажрибадан ўтказилади. Биз бугунги кунда тест режимидаги лойиҳа бўйича Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида 34 та кўп қаватли уй-жойга сув ўлчагич ўрнатиш ва махсус компьютер дастури ишлаб чиқиш билан шугулланиб, тегишли хулосаларга эга бўляпмиз. Хуқуматга қилинган ишлар ҳисоботи ва таҳлилини йил охирига қадар тақдим этиш ниятидаммиз. Иш жараёнида дуч келаётган барча муаммоларни бартараф этиш ва ишнинг натижаларини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Мазкур лойиҳамиз ижобий аяқунланса, ҳуқумат томонидан шу хилдаги сув ўлчагичлар

ишлаб чиқариш учун бююртма берилса, йирик корхона куриб, уларни Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарамиз. Шунингдек, сотувдан кейинги хизматларни йўлга қўйиб, сув таъминоти ташкилотларига махсус компьютер дастурини ўрнатиб беришни ҳам ўз зиммимизга оламиз.

ИЖОБИЙ ХУЛОСА ИНВЕСТИЦИЯГА ЙўЛ ОЧАДИ

Ақлли сув ҳисоблагичларнинг афзалликлари, иқтисодиётга фойдали жиҳатлари ҳамда аҳолига берадиган енгликларидан хабардор бўлдик. Кўриниб турибдики, бу анча мураккаб ва кўп маблағ талаб этадиган лойиҳа. Шу сабабли ҳам тизимни йўлга қўйишга инвесторларни жалб қилиш мақсада мувофиқ, Чет элликлар эса ишни тўлиқ ва сифатли бажара олишига ишонч ҳосил қилганидан кейингина маблағ йўналтиради.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, Исроил, АҚШ, Россия, Қозғистон ҳамда Европа давлатлари таърибадан ўрганилган бўлса-да, мамлакатимиз худуди учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш устида бош қотирилмоқда. Сабаби, ҳар бир давлатнинг ўзига хос шароити, менталитети ва инфра-тузилмаси мавжуд. Ҳар бир мамлакатнинг кўп қаватли уйлари ачимлик сув тармоғи жойлаштириш, хондонларга сув ўлчагич ўрнатиш тартиби турлича. Айрим чет давлатларда кўпгина биргина сув ўлчагич қўйилса, Ўзбекистонда баъзи хондонларга 2 ва 3 та сув тармоғи киритилади ва уларнинг ҳар бирига алоҳида сув ўлчагич ўрнатиш керак бўлади. Бу ва бошқа ўзига хос жиҳатлар батафсил ўрганилиб, ижобий хулосага келина, лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.



Дилором АЛИМОВА, Ўз РФА Тарих институти бош илмий ходими

Агар уларнинг биринчиси ўзида тараққиёпбарвар ғоялари билан туркистонликларнинг миллий ўзлигини уйғотган энг зиёли кўчларни жамлаган жадиличиликнинг юзага келиши ва ривожланиши билан ифодаланган бўлса...

Дастлабки пайтларда қудратли ҳаёт тўлиқни Абдулҳамид Чўлпонни маъмуллик гирдобидан олиб чиқиб, кенг халқ оммасининг шеърятдаги қарамони айлангандир. Истеъдод уни юксак чўқиларга олиб чиқди, лекин тез орада у жамиятнинг овлоқ жойларига улқотирилди. Унинг мураккаб ҳаёти замон талотўпларида янчилган тақдирлардан бири эди. Чўлпон шахсини билиш ва уни охиригача тушуниш, бетақдорлигини ҳис қилиш, буюқлиги ва қудратини англаб етиш учун у қандай даврга яшаганини ҳисобга олиш зарур.

Биз ўрганаётган муаммога шу нуқтаи назардан ёндашиб Чўлпон яшаб фаолият юритган даврини икки босқичга бўлиш мумкин: XX аср бошларидан 20-йиллар ўрталаригача ва 20-йиллар ўрталаридан унинг тақдирини фожөөли яқун толган 1937 йилгача.

Дастлаб тақдир уни роса сийлади. Унинг истеъдоди жадиличилик ғоялари билан бирга камолга етди ва ҳаётга татбиқ этилди. Абдулҳамиднинг туғилиши ушбу оқим шаклланган вақтга тўғри келган.

XIX аср охири — XX аср бошларидаги иқтисодий ва сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган иқтисодий фикр ўз даврининг энг тараққиёпбарвар кишиларини жадиличилик майдонига олиб чиқди. Улар орасида Фитрат, Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқалар қаторида нафақат шоир, балки фаол маърифатчи, сиёсий арбоб ҳам бўлган Абдулҳамид Чўлпон бор эди.

1917 йилги жадиид газеталари — “Кенгаш”, “Турон”, “Турк эли” ва бошқалар Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш шаклларида дахлдор ниҳоятда қизгин баҳслардан далолат беради. Туркистон тараққиёпбарварларининг дастлаб маърифатчилиги, сўнгра сиёсий ҳаракати кенг қулоч ёзган 1914-1917 йилларда Абдулҳамид Чўлпон ижоди ҳам гуллаб-яшнади. 16 ёшида “Адабиёт надур?” мақоласини ёзган муаллиф жадиличилик вужудга келтирган янги адабиёт асосчиси билан бирга айланди. Бироқ унинг қизиқишлари фақат адабиёт ва театр санъати билан чекланмаган. 1914 йили “Садои Фаргона”да эълон қилинган “Ватанимиз Туркистонда зирот ва деҳқончилик”, “Ватанимиз Туркистонда темир йўллари”, “Ойна” журналида чоп этилган “Андижонда янги банк” мақолаларида унинг иқтисодий соҳасидаги чуқур билими намоян бўлган. Абдулҳамид Чўлпон ўз мақолаларида Россия, Европа ва Американинг тараққиёт таърибасидан мисоллар келтириб, Туркистоннинг бўлажак иқтисодий ва унинг ривожланиши йўллари ҳақида мулоҳаза юритган. Чўлпонга сиёсат ҳам бегона бўлмаган. 1917 йили “Турон” газетасида эълон қилинган “Иш вақти — ишлаш вақти”, 1918 йили “Эл байроғи” газетасида чоп этилган “Умид сиздан” мақолаларида унинг болъшевиизмга салбий муносабати ва Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаши акс эт-

Мозий — ҳақиқатнинг тарозуси

Абдулҳамид Чўлпон жуда қисқа, бор-йўғи қирк йил умр кўрди. Унинг ҳаёт йўли бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи, тарихий воқеаларга бой Туркистондаги сиёсий ва маънавий ўзгаришлар кўзга ташланган икки давр чегарасида ўтди.

АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ВА ЗАМОН

ган. У нафақат публицист, балки амалий сиёсатчи ҳам бўлган, Туркистон ва Бошқирд мухториятларида фаол иштирок этган. Қўқондаги Туркистон мухторияти тор-мор келтирилгач, қўллаб жадидлар юртни тарк этишга мажбур бўлганлар, у Убайдулла Ҳўжаев, Абдулҳамид Орифов, Мирмуҳсин ва бошқалар билан бирга Бошқирд советлари кичик ташкилотига котиб бўлди ва унинг ахборот марказида фаолият юритди. Кейин қўллаб тараққиёпбарварлар қатори маориф соҳасида ишлади.

Умуман, Туркистоннинг иқтисодий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида бу даврда кечган зиддиятли жараёнлар Чўлпон тақдирини ҳам четлаб ўтмади. Унинг учун мураккаб вақтлар келганди. Бир томондан, жадиидларнинг маърифатчилиги фаолиятини ўзининг юксак чўққисига кўтарилди, уларнинг катта қисми мамлакатда қолиб, маданият муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртли ва театрларда ишлашга давом этди. Аҳоли саводхонлигининг кескин ошиши, технологик таъминотнинг ўсиши, илмий муассасаларнинг пайдо бўлиши билан ўзбекистон маданияти тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бошқа томондан, бошқарувининг тоталитар тизими мустаҳкамланиб бориши маданий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. “Маданий инқилоб”нинг жорий этилиши, кадрларнинг пролетарлаштирилиши эски миллий кадрларнинг қоралинғи олиб келди. Совет ҳокимиятининг ўйланмай қилинган изоҳотлари маданиятда ўнглаб бўлмас ҳолатларни келтириб чиқарди. Бошланган қатагонлар, биринчи навбатда, зиёлиларга қаратилди, бу эса маънавий ҳаётга улкан зиён етказди.

Юқоридан келган кўрсатма асосида Чўлпон қарши аёвсиз сиёсий таъқиб амалга оширилган. Бир гуруҳ шахслар ўзларининг танқидий мақолаларида унга миллатчи шоир, “пессимистик кайфиятдаги зиёлилар шоири” тағмасини босдилар. Партиянинг масъул ходими С.Писемний фикрича, 1924 йилдаёқ адабиёт вакиллари орасида, умуман, жамиятда иккита лагерга бўлиниш ҳавфи вужудга келган, яъни кўнгил амри билан иждо қилганлар ва барча нарасада партия белгилаб берган йўлга амал қилганлар.



Бу ҳақда Чўлпон қайғуриб ёзади: “Ҳар доим тирноқ остидан кир топиш мумкин, қанча кўп қидирсанг, шунча кўп чиқади. Аммо одамга ҳаёт фақат шунинг учун ато этилмаган. Айниқса, педагоглар Туркистоннинг оқни қорадан ажрата олмайдиган маҳаллий аҳолисига ниманидир исботлашга уринган ҳолда бир-бирининг айбини қидириб умрини беҳуда ўтказишмоқда бу жиноятдир”.



1917 йилги жадиид газеталари “Кенгаш”, “Турон”, “Турк эли” ва бошқалар Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш шаклларида дахлдор ниҳоятда қизгин баҳслардан далолат беради. Туркистон тараққиёпбарварларининг дастлаб маърифатчилиги, сўнгра сиёсий ҳаракати кенг қулоч ёзган 1914-1917 йилларда Абдулҳамид Чўлпон ижоди ҳам гуллаб-яшнади.

Бу ҳақда Чўлпон қайғуриб ёзади: “Ҳар доим тирноқ остидан кир топиш мумкин, қанча кўп қидирсанг, шунча кўп чиқади. Аммо одамга ҳаёт фақат шунинг учун ато этилмаган. Айниқса, педагоглар Туркистоннинг оқни қорадан ажрата олмайдиган маҳаллий аҳолисига ниманидир исботлашга уринган ҳолда бир-бирининг айбини қидириб умрини беҳуда ўтказишмоқда — бу жиноятдир”.

Чўлпонни танқид қилиш нафақат республика миқёсида, балки СССР даражасида давом эттирилган. Омабон бўлган “Новый Восток” журналида 1929 йили партиянинг масъул ходими А.Аршарунининг “Урта Сийё бадийи адабиёти ҳақида қайдлар” мақоласи чоп этилган, у Чўлпоннинг “марксистча” адабиётшунослик талабларига жавоб бермайдиган иждо тахлилга бағишланган. Уша пайтда Чўлпонни ҳимоя қилишга журъат этган еш ёзувчи Ойбекни ҳам аёвсиз танқид остига олишган. Муаллифини, айниқса, Ойбекнинг “Қизил Ўзбекистон” газетасидаги “... Чўлпон ўзининг келиб чиқиши, тарбияси ва интилишлари билан бу нарсадан йироқдир”, деган сузлари газаблантирган. Боз устига, Ойбек уни аҳамиятига кўра Пушкин билан бир даражага қўйиб, Чўлпон ва Пушкинни тенглаштиришга журъат этган:

... Наҳотки, биз ҳозирги адабий талабларга жавоб бермайди деб ҳисоблаб Чўлпондан воз кечамиз? Менимча, бу ҳатодир... Шоирларни қулгоғидан тортиб пролетар шоирга айланишга мажбурлаб бўлмайдим...

Бизнинг замонавий адабий талабларимизга жавоб бермайди деб Чўлпондан узоклашшимиз керакми? Менимча, бу янглиш ҳаракат. Агар биз ҳозир рус ўртоқларимизга қарасак, улар Пушкини қанчалар севдиларини кўраимиз. Уни ҳамма ўқийди ва яхши кўради. У инқилобдан кейин ҳам Пушкинлигига қолган. Рус адабиётида олий ўринни эгаллаган. Пушкин пролетар шоир бўлмаган, у пемешник ва ҳумдор-чунч билан унинг шароити бўлган ва унинг дунёқараши замонавий даврга мос келмайди, лекин нега уни бунчалар ёқтиришди? Негаки у гўзал асарлар яратган, рус шеърлигига ажойиб бадийи образларни тақдим этган, бу орқали рус адабиётининг ўлмас бойликларини яратган. Руслар ҳеч қачон ушбу буюқ адабий меросдан воз кечишмайди.

Биз ҳам Чўлпондан қўл тортмаймиз. Чўлпон янги адабиётда янги шаклларга асос солди. Мистик адабиёт ўрнига замонавий зийрак адабий дидга жавоб берувчи ажойиб шеърларни тақдим этди. Бугунги ёш авлод унинг жозибали техникасини, содда тилини, фаройиб услубини севади ва ундан кўп ажойиб нарсаларни қабул қилади.

Чўлпоннинг ғоялари эмас, балки у томонидан яратилган оригинал шеърининг образлар ўқилади ва ундан ҳеч ким воз кечмайди.

Маданиятчи кишининг буюқ мутафаккирларга беҳурмат муносабатда бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигини ҳақиқати фикр Ойбек мақоласининг лейтмотиви сифатида янраган. У Чўлпонни айнан шундай шахс деб билган. Бундай тенглаштиришдан газаб отига минган А.Аршаруни Ойбек агар Чўлпонни А.Пушкин билан солиштиришга журъат этган бўлса, бу унинг А.Пушкин ижодини яхши билмаслигиндан, дея айблаган. Эҳтимол Аршаруни Пушкин асарларини яхши билгандир, аммо Чўлпон ижодидан умуман беҳабар бўлган. Бу ўринда Германияда таҳсил олган, “Қўмак” журналини чоп эттирган туркистонлик

талабалар журнал сонларидан бирида Чўлпон Шекспир билан таққосланган мақолани эълон қилишганини келтириб ўтиш жоиз бўлур эди. Мақола муаллифи ёзади: “Мен Шекспир лирикаси ва Чўлпон шеърлиги ўртасидаги фарқни қанчалик қидирмай, уни топа олмадим. Мен Чўлпоннинг “Уйғониш”ини қайта-қайта ўқиганман. Шекспирни ўқиганман. Ниҳоят, Шекспир — бу Чўлпон эки Чўлпон — бу Шекспир, деган хулосага келдим”.

Бироқ бундай муносабат шоирнинг аҳолини янада оғирлаштирган. Мустақил фикрга эга бўлиш, эркин ишлаш, айниқса, ўша давр ҳумдор мафкурага тўғри келмайдиган мулоҳазаларни билдириш инсон ҳаёти учун ниҳоятда хатарли эди. Чўлпон ўз бераётган ҳолатларни жуда яхши англаган. Бундан унинг шеърлари далолат бериб турибди. Чунончи, у “Яроқлар” шеърини Ўзбекистонда эмас, балки Туркияда эълон қилган. Ватанида бунинг имкони йўқлигини тушуниган, деган фикр келайди ҳаёлга:

Қаргалар боғларда қағлашиб қолдилар, Билмадим, кимларнинг қисмати узилур? Епроққа ёпишиб, бир чангал солдилар, Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур? Эй совуқ эллардан муз кийиб келгонлар, У кўпол товшингиз қорларда йўқ бўлсин! Эй меним боғимдан мевамни тергонлар, У қора бошингиз ерларга кўмулсин!

Шоирнинг бу қисқа сатрларида алам-изтироблар, халққа бегона бўлган эътиқодини мажбурлаб тикиштирилганлар, поймол этилган тақдирлар, Ватан ҳақида қайғуриш ифодаланган. Ўн йиллар мобайнида Чўлпон танқид тиллари остида яшади. Оддий журналистдан тортиб республика раҳбари Акмал Икромовгача унинг ижоди ҳақида салбий муносабат билдирди.

Ниҳоят, 1937 йил охирида Чўлпон “халқ душмани” деб эълон қилинди. Сиёсий тузум унинг Аҳмад Закий Валидий билан дўстлигини, Бошқирдистоннинг миллий мустақиллиги учун курашдаги ёрдами, Туркистон муқорриятидаги фаол иштирокини, жадидлар сафида туриб очиқ-ойдин ифодаланган сиёсий қарашларини кечирмади. Эҳтимол унинг “айби” энг машҳур ва халққаро миқёсда эътироф этилган ўзбек шоири бўлгани ва халқ, айниқса, ёшлар орасидаги обрў-эътиборини ҳеч нарса тушира олмаганида бўлгандир. Шахсининг буюқлиги ҳар доим ўз даврини орда қолдирган. Тақдир тақозоси билан улар ё кўпқарга кўтарилди, ё жисмонан йўқ қилинди. Аммо Абдулҳамид Чўлпон хотирасини йўқоштиришнинг илоҳи йўқ эди, чунки унинг шеърлари, ғоялари, халқига бўлган мухаббати барҳаётдир.

Камолитдин Беҳзод таваллудининг 565 йиллигига

Ўз даврининг буюқ мусаввири Камолитдин Беҳзод XV асрнинг иккинчи ярмида Хирот миниатюра мактаби асосчиси сифатида шухрат қозонган. Беҳзод ижодидаги ҳаётини мавзулар ва уларнинг муҳирона талқини расом асарларини жаҳон санъати ноёб дурдоналари сифатида жуда катта маънавий қиймат ва аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14-16 октябрь кўнлари мусаввир ижодида бағишланган халққаро симпозиум ўз ишини бошлади. Тошкент фотосуратлари уйда очилиш маросими ўтказилди ҳамда “Эй мусаввир, дилбаримга сурате монанд қил...” мавзудаги миниатюра ва хатотлик асарларининг юздан зиёд намунаси санъат илҳомчилари эътиборига ҳавола этилди.



ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Гулиҷехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди Камолитдин Беҳзод таваллудининг 565 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14-16 октябрь кўнлари мусаввир ижодида бағишланган халққаро симпозиум ўз ишини бошлади. Тошкент фотосуратлари уйда очилиш маросими ўтказилди ҳамда “Эй мусаввир, дилбаримга сурате монанд қил...” мавзудаги миниатюра ва хатотлик асарларининг юздан зиёд намунаси санъат илҳомчилари эътиборига ҳавола этилди. Ўзбекистон Бадийи академияси раиси Акмал Нуриддинов мамлакатимизда маънавий-маданий изоҳотлар жараянида халқимизнинг буюқ тарихий қадриятларини қадрлаш, улуғ алломалар, атоқли олимлар, эл севган санъаткорлар ҳаёти ва иждоини, бой меросини ўрганиш, тасвирий ва амалий санъатни юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Симпозиум тадбирлари доирасида иштирокчиларнинг буюқ мусаввир ижоди ҳақидаги фикрлари билан билан қизикдик:



— Сўзим аввалида ушбу анжуман ташкилотчилари ва иштирокчиларига ўз миннатдорлигини билдиришга ижозат бергайсиз, — дейди Эроннинг Ўзбекистондаги элчиси Ҳамид Наййрободий. — Эътироф этиш лозимки, санъат, инчинун тасвирий санъат бутун дунё халқлари учун умумий бир тил ҳамда инсоният цивилизациясининг энг гўзал ҳодисаларидан биридир. XV-XVI асрларнинг атоқли расомчи Камолитдин Беҳзоддан мерос қолган асарлар бунга яққол далилдир. Унинг миниатюра соҳасига киритган янгиликлари ирфон, ҳақиқат, адабиёт, табиат ва реалик билан боғлиқ равишда шаклланди. Булар янги усуллар бўлиб, Камолитдин Беҳзод уларни икки йўналишда — ишлов бериш ва техникада, мазмулар ва мазмуларда қўллашга муваффақ бўлди. У ўз даври-

даги жараёнларга мутаносиб равишда ҳамда турли халқлар санъатлари хусусиятидан фойдаланган ҳолда миниатюра санъатида янги бир услуб яратди ёхуд адабиёт, ирфон, антропология ва жамиятшунослик билан чамбарчас боғлиқ бўлган миниатюра санъати томон янги ва муҳим бир эшик очди. Икки кун давомида ўтказилган тадбирлар доирасида Камолитдин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида Ўзбекистон халқ расомчи Шомаҳмуд Муҳаммадқоновнинг шахсий кўргазмаси, Марказий кўргазмалар залида “Камолитдин Беҳзод ва унинг даври” номли рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаси, Иқоу Хираяма халққаро маданият қорвонсаройида “Камолитдин Беҳзод издошлари” танлови республика босқичи иштирокчиларининг миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари кўргазмалари бўлиб ўтди.

Афғонистон, Эрон, Буюқ Британия, АҚШ, Испания, Ирландия, Япония, Франция, Хитой, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Туркия ва бошқа давлатлардан 15 дан ортқк иждокор ҳамда 20 га яқин олим ўз санъат асарларини тақдим этдилар.

Халққаро симпозиум ўз ишини “Камолитдин Беҳзод ижоди Шарқ ва Фарб бадийи маданияти кесимида” мавзуда халққаро илмий-амалий онлайн конференция билан яқунлайди.

Бугунги кунда дунё бўйлаб юзага келган эпидемиологик вазият туфайли ушбу халққаро анжуман онлайн тарзда ўтказилмоқда. Онлайн анжуманда дунёнинг 20 дан ортқк давлати ва халққаро ташкилотидан танқилли санъатшунослар, Шарқ миниатюра санъатининг етакчи мутахассислари, бўжодшунослар қатнашмоқда.